

Сулаймонова Ҳулкар Мўминжонова
Тошкент давлат шарқшунослик институти
катта илмий ходим- изланувчи
Тел: (93) 577 97 31, E-mail: sulaymonova-17@mail.ru

АБУ МАНСУР АС- САОЛИБИЙ ТАЗКИРАЛАРИДА АБУ БАҚР АЛ -ХОРАЗМИЙ ҲАҚИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР

Аннотация

Мазкур мақолада ўрта асрларнинг етук олимлари - Абу Бақр ал-Хоразмий(935-993) ва Абу Мансур ас-Саолибий(961-1038) ўртасидаги ўзаро устоз-шогирдлик муносабатлари ёритилган. Шунингдек мақолада ал-Хоразмийнинг Саолибий тазкираларида келтирилган айрим байтлари таҳлил қилинган.

Аннотация

В этой статье рассматриваются теплые отношения между учителем и учеником среди двух великих ученых средневековья Абу Бақр аль-Харезми (935-993) и Абу Мансур ас-Саалиби (961-1038). Также в статье были анализированы некоторые произведения аль-Харезми которые встречаются в анталогиях ас-Саалиби.

Summary

This article examines the warm relations between teacher and student among the two great scholars of the Middle Ages Abu Bakr al-Khwarizmi (935-993) and Abu Mansur al- al-Tha'ālibī (961-1038). Also in the article were analyzed some works of al-Khwarizmi which are found in the anthologies of al-Tha'ālibī.

Калит сўз ва иборалар: Абу Бақр ал-Хоразмий, Абу Мансур ас-Саолибий, “Йатимат ад-дахр”, “Канз ал-куттаб”, қўлёзма, тазкира, котиб, расаил.

Ключевые слова: Абу Бакр аль-Харезми, Абу Мансур ас-Саалиби, «Ятимат ад-дахр», «Канз аль-куттаб», рукопись, тазкира (антология), катиб (корреспондент) расаил.

Keywords: Abū Bakr al-Khwarizmi, Abū Manşūr al-Tha‘ālibī, “Yatimat ad-dahr”, “Kanz al-kuttab”, manuscript, tazkirah, anthology, katib(official correspondent), rasail.

Ўрта асрларда мусулмон Шарқида ўзининг улкан илмий ижодий мероси яъни гуманитар фанларга оид 200 га яқин асарлари билан замонасидаёқ катта шуҳрат қозонган адиблардан бири Абу Мансур ас-Саолибий (961-1038)эди. У Абу Бакр ал-Хоразмий (935-993), Абу Райҳон Беруний (973-1048), Абу Али ибн Сино (980-1037) каби буюк ватандошларимиз билан замондош бўлиб, деярли бир давлат худудида яшаган. Ас-Саолибийнинг асосий касби савдогарлик (у тулки терисидан турли нарсалар тикиб сотган, шунинг учун ҳам “Саолибий” лақабини олган) бўлгани учун савдо юзасидан кўпгина мамлакатларга сафар қилган чоғида у ердаги илм ва ижод аҳллари билан танишиб, фикр алмашиш имконига эга бўлган. Саолибийшунос олим Исматулла Абдуллаевнинг ёзишича, ас-Саолибий 992-993 йили Бухорога келиб, бир қанча вақт турган, жуда кўп олим ва шоирлар суҳбатида бўлган. Хоразмга ҳам келган ва хоразмшоҳ Маъмун ибн Маъмун (1009-1017) ҳузурида истиқомат қилиб, у билан кўп марта ҳамсуҳбат бўлган ва унга атаб бир неча асарлар ёзган². Шу сабабли ҳам ас-Саолибий Мовароуннаҳр ва Хуросон тарихини, адабий ва илмий ҳаётини яхши билган ва бу маълумотларни ўз асарларига киритган. Шундай қилиб, олим ўз асарларининг аксариятида Мовароуннаҳр адабий муҳити, олимлар, шоирлар ва котиблар ижоди ҳақида қимматли маълумотлар бериб, китобларидан парчалар келтирган.

¹ “Саолиб” арабча “саълаб” - тулки сўзининг кўплигидир.

² И.Абдуллаев. Абу Мансур ас-Саолибий. Тошкент. “Ўзбекистон”, 1992. 12-бет.

Абу Мансур ас-Саолибий ҳаёти ва унинг илмий меросини ўрганиш давомида адибнинг машҳур ватандошимиз Абу Бакр ал-Хоразмий билан бўлган муносабатлари алоҳида диққатимизни тортди. Ас-Саолибий устози Абу Бакр ал-Хоразмийга бўлган юксак эҳтиромини ўзининг машҳур “Йатимат ад-дахр” тазкирасида баён этиб, унга “Замонасининг энг доноси, адаб денгизи, наср ва назмнинг туғи, фазл ва идрок оламидир. Ажойиб ва ибратли балоғатни (ўзида) мужассамлаштирганди. Араблар тарихи, жанглари ва девонлари билан (чуқур) танишади, луғат ва шеърятга оид китобларни ўрганади ва ҳар қандай бобидан ва дурларидан келтира оларди, адаб гўзалликларида энг олий даражага эришганди. Мушоҳадасининг ёқимлилиги, иборасининг малиҳлиги, саховатининг юксаклиги, жиддийлигининг моҳироналиги ва ҳазилларининг ҳаловатлилиги билан ҳар қандай йиғилишда ғолиб чиқарди. Унинг рисоалар девони жилдларга ажратилиб, кенг тарқалган, шеърлари девони ҳам худди шундай” – дея таъриф берадиз ҳамда назм ва насрдаги асарларидан анчагина намуналарни тақдим этади. Саолибийшунос олим И.Абдуллаев суриялик адиб ва тарихчи Курд Али Муҳаммад(1876-1953)нинг “Кунуз ал-аждод” (“Аждодлар хазиналари”) асарида келтирган маълумотга таяниб, ас-Саолибийнинг Нишопур шаҳрида Абу Бакр ал-Хоразмийдан сабоқ олганини ҳамда у билан Бадиуззамон ал-Ҳамадоний ўртасида бўлиб ўтган адабий баҳсларда иштирок этганини ёзган⁴.

Бундан маълум бўладики, ас-Саолибий ватандошимиз Абу Бакр ал-Хоразмий билан шахсан таниш бўлибгина қолмасдан балки, улар ўртасида ўзаро устоз-шогирд муносабати ҳам мавжуд бўлган. Бу икки алломанинг калин дўстлиги ва устоз шогирдлик муносабатлари ҳақида ўрта асрлар араб адабиёти тадқиқотчиларининг аксарияти таъкидлаб ўтганлар.

Абу Бакр ал-Хоразмий қадимий илм-фан ўчоғларидан бўлган Хоразмда туғилиб ўсиб, дастлабки таълимни шу ерда олади. Балоғатга етгач илм талабида Бухоро, Шом, Ироқ, Сижистон, Нишопур, Исфаҳон каби ўз

³ Абу Мансур ас-Саолибий. Йатимат ад-дахр. Тадқиқ қилувчи, таржимон, изоҳ ва кўрсаткичларни тузувчи И.Абдуллаев. Тошкент. “Фан”, 1976. 227-бет.

⁴ И.Абдуллаев. Абу Мансур ас-Саолибий. Тошкент. “Ўзбекистон”, 1992. 11-бет.

даврининг машхур илм-фан марказларига бориб, бу шаҳарлардаги адабий, илмий муҳитдан баҳраманд бўлади, кўплаб таниқли олимлар, ижодкорлар билан танишиб, фикр алмашади ва ўзи ҳам тез орада машхур адиб бўлиб танилади. Абу Бакр ал-Хоразмийнинг илмий меросидан араб тилидаги шеърӣ девон ҳамда “Рисолалар” и бизгача етиб келган. Тил ва услуб жиҳатдан ниҳоятда пухта ишланган “Рисолалар” сажъ (қофияли наср) билан ёзилган бўлиб, шоир замонасидаги машхур кишилар: амир, лашкарбоши, қози, амалдор, фақиҳларга, адиб ва тилшунос олимларга яъни ал-Хоразмийнинг дўстлари ва ҳомийларига ёзилган хатлардир⁵. Бу мактублар турли воқеалар: муваффақиятга эришгани учун табрик, тилак, дўстона маслаҳат, бирор ёрдам учун ташаккур изҳор этиш ёки аксинча касаллик, уруш хавфи, ўлим учун таъзия, тасалли бериш каби ҳаётӣ қувонч ва ташвишлар муносабати билан ёзилган бўлиб, нафақат адабий ва бадий юксаклиги, балки, тарихий фактларга эғалиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Мана унинг “Рисолалар”идан олинган, халқ орасида мақолга айланиб улгурган ҳикматларидан намуналар: “Карамли киши таҳқирланса ҳам азиздир”, “Эҳтиётсиз қилинган дори дармон касалликдир, унга ҳожат тушгандагина, у шифо бўлади”, “Оталар икки хил отадир: туғилиш отаси ва таълим бериш отаси; биринчиси жисмонӣ ҳаёт сабаби, иккинчиси руҳӣ ҳаёт сабабидир”, “Далил кўрсатишда мағлуб бўлган киши ҳамма нарсани айтиб беради, фарқ бўлаётган эса ҳар бир ипга осилишга уринади”, “Карамли киши гўзаллик билан савдо қилади, мол билан савдо қилмайди”, “Дунё - совчиси кўп келин, подшоҳлик - харидорга сероб бир мол”, “Кўрганнинг тили айтиб берганнинг тилидан нотикроқдир, воқеанинг гувоҳи бўлиш биров сўзининг гувоҳи бўлишдан адолатлироқдир”, “Адабнинг меваси катта ақлдир, илмнинг меваси яхши амал қилишдир”⁶.

⁵ Маънавият юлдузлари. Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти.Т. 2011.80-бет

⁶ Абу Мансур ас-Саолибий. Йатимат ад-даҳр. Тадқиқ килувчи, таржимон, изоҳ ва кўрсаткичларни тузувчи И.Абдуллаев. Тошкент. “Фан”, 1976. 228-229 бетлар.

“Рисолалар” асарининг қўлёзмалари Берлин, Лейден, Санкт-Петербург каби шаҳарлардаги кутубхоналарда сақланади. Асар 1880 йилда Истамбулда, 1891 йили Бомбейда нашр этилган.

Абу Бакр Муҳаммад ибн ал-Аббос ал-Хоразмийнинг бой ижодий мероси Шарқ ва Ғарбнинг кўплаб олимлари томонидан ўрганилган. Адибнинг замондоши Абу Наср Утбий(961-1036)нинг “Тарих ал-Йаминий”, Ибн ал-Асирнинг “Комил фи-т-тарих”, Ибн Халликоннинг “Вафайот ал-аъйон” ва Умар Ризо Каҳҳоланинг “Муъжам ал-муъаллифин”, Шамсуддин Сомийнинг “Қомус ал-аълом” каби асарларида Абу Бакр ал-Хоразмий асарларига юқори баҳо берилиб, у ҳақида маълумотлар келтирилган.

XX асрда Абу Бакр ал-Хоразмий ҳақида араб олими Маъмун ибн Муҳийиддин ал-Жаннан томонидан жуда кенг қўламли тадқиқот олиб борилди. Унинг “Абу Бакр ал-Хоразмий: унинг назми ва насри аро” (أبو بكر (الخوارزمي : بين نثره و شعره) деб номланган китоби 127 бетдан иборат бўлиб, 1993 йил Байрутда нашр этилди. Китобда адибнинг ҳаёт йўли, насрий ва назмий асарлари ҳақида батафсил маълумотлар берилиб, чуқур таҳлил этилган. Бу асарни ўзбек тилига ўгириб, тадқиқ этиш орқали араб олими ал-Жаннанинг буюк ватандошимиз ва унинг ижоди ҳақидаги илмий янгиликларини халқимизга етказиш шарқшуносларимиз учун муҳим вазифалардан биридир.

Абу Бакр ал-Хоразмий ва унинг адабий мероси ҳақида хабар берувчи китоблардан яна бири 1976 йили Бағдодда нашр этилган 517 бетдан иборат “ал-Адаб ал-арабий фи иқлими Хоразм” (“Хоразм диёрида араб адабиёти”) номли китоб бўлиб, унинг муаллифи фаластинлик олима Ҳинд Ҳусайн Тоҳадир. Мазкур китобнинг биринчи боб, иккинчи фасли Абу Бакр ал-Хоразмийга бағишланган бўлиб, унда шоир ҳаёти, марсиялари, фалсафий шеърлари ва ҳикматларидан намуналар берилган. Бу асар асосан Хоразм араблар томонидан фатҳ этилган 712 йилдан то Хоразмшоҳлар давлати тугатилган 1230 йилгача бўлган 518 йиллик адабий ҳаёт хусусида бўлиб, унда шу давр ичида Хоразмда ёзилган араб тилидаги шеърӣй ва насрий асарларга кенг ўрин берилган. Араб олимасининг ушбу асари VIII-XIII

асрларда Хоразмда араб тилида яратилган бадиий адабиётни чуқур таҳлил этган муҳим тадқиқотдир. Муаллиф ушбу асарда Хоразм сўзининг талқини, Хоразмнинг жўғрофий тузилиши, унинг тарихий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаёти ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтган. Ҳинд Ҳусайн Тоҳа ҳозиргача Хоразм адабий муҳитининг беш асрлик тарихини мукамал илмий тадқиқ этган ягона олима ҳисобланади. Ватанимиз тарихи, адабиёти ҳақида қимматли маълумотлар берувчи мазкур асарни ўзбек тилига таржима қилишни ва илмий ўрганишни бугунги кун шарқшунослигимизнинг долзарб вазифалари қаторига киритиш мумкин.

Абу Бакр ал-Хоразмий араб адабиёти тарихида машҳур сиймолардан бири сифатида катта ҳурматга эга бўлишига қарамай ўзбек адабиётшунослари, шарқшунослари эътиборидан четда қолиб келмоқда. Тўғри бу борада айрим уринишлар бўлган⁷, аммо Ўзбекистонда Абу Бакр ал-Хоразмий илмий меросига бағишланган кенг миқёсдаги монографик тадқиқот ҳали амалга оширилмади.

Ас-Саолибий асарлари ичида девонхона котиблари учун ёзилган “Канз ал-куттаб” (“Котиблар хазинаси”) тазкираси муҳим манба ҳисобланади. Ас-Саолибий “Канз ал-куттаб” асари муқаддимасида ушбу асарда шеърларидан намуналар берилган шоирларнинг сўнгги еттинчи - “Замондош шоирлар” гуруҳида Абу Бакр ал-Хоразмий номини зикр этган.

“Канз ал-куттаб”нинг *في التهانيء و التهادي و ما يجري مجراها* - “Табриклаш, ҳадялар бериш, улар билан боғлиқ маросимлар ҳақида” деб номланган иккинчи бобида Абу Бакр ал-Хоразмийнинг мазкур байти келтирилган:

و قال ابو بكر الخوارزمي

كمثل بنائك الشرفا

في حيطانها شرفا

بنيت الدار عالية

فلا زالت رؤوس عداك

⁷ Тадқиқотчи Р.Маннонова “Антология Абу Мансура ас-Саалиби “Канз ал-куттаб” и произведения Абу Бакра ал-Хорезми в ней”⁷ номли мақоласида Абу Бакр ал-Хоразмийнинг “Канз ал-куттаб” тазкирасида келтирилган шеърларини рус тилига таржима қилиб, таҳлил қилган. (Ўзбекистонда ижтимоий фанлар журнали, 1993 йил 2-сон, 47-50 бетлар)

Ас-Саолибий Абу Бакр ал-Хоразмийнинг айнан шу байтини “Йатимат ад-дахр”да ҳам келтирган. И.Абдуллаев уни қуйидагича таржима қилган:

Шарафли наслинг каби олий бир қасрни бунёд этдинг.

Душманларинг бошлари унинг деворларига кунгиралар бўлсин.

Абу Бакр ал-Хоразмийнинг адресатга ушбу байтни йўллашдан мақсади уни мақташ, шарафли насабига муносиб ҳолда иш тутаётганини олқишлашдир. Шунингдек, шоир мазкур байтда биринчи ва иккинчи мисранинг сўнггидаги **الشرفا - شرفا** сўзлари воситасида “тажнис” санъатини қўллаган.

“Канз ал-кутуб”нинг **ذكر المقابح و الذم و الهجاء و النعم و الثناء** - “Ҳажв қилиш, гина қилиш ҳамда ёмон жиҳатларини эслаш ҳақида” деб номланган 8-бобида яна Абу Бакр ал-Хоразмийнинг қуйидаги ҳикматли сўзи келтирилган:

فندل الرجال كندل النبات لا للثمار و للحطب⁹

Кишиларнинг пасткашлиги ўт-ўланларнинг(алафларнинг) пастлиги кабидир, меваси ҳам йўқ, ўтинга ҳам ярамайди.

Бунда шоир “ташбеҳ” санъати воситасида йигит кишининг пасткашлигини на ҳосил берадиган ва на ўтинга ярайдиган майда ўт-алафларнинг пастлиги, кўримсиз ва арзимаслигига ўхшатади.

Навбатдаги парча ҳам асарнинг 8-бобида келтирилган:

حدثني عنه لسان التجربة ما اثقل الدهر علي من نكبه

فانه لم يتعمد بالهبة لا يشكر الدهر بخير سببه

و إنما أخطأ فيك مذهبه كالسيل إذ يسقي مكانا خرّبه¹⁰

Қандай оғир, даҳр кимгадир берса бахтсизлик

Бу хусусда сўйлаб берди тажриба тили

8 Абу Мансур ас-Саолибий. Йатимат ад-дахр. Тадқиқ қилувчи, таржимон, изоҳ ва кўрсаткичларни тузувчи И.Абдуллаев. Тошкент. “Фан”, 1976. 257 бет

9 “Канз ал- кутуб” қўлёзмаси. Шарқшунослик институти Қўлёзмалар фонди, инв.№ 1848-II. 70-саҳифа.

10 “Канз ал- кутуб” қўлёзмаси. Шарқшунослик институти Қўлёзмалар фонди, инв.№ 1848-II. 73-саҳифа.

Тил шукр айтмас ҳатто даҳрнинг эзгу ишига

Чунки яхшилик эмас эди унинг нияти

Агар у сенга хатолик келтирса, унинг зарбаси

Худди селдай, хароб этар борган жойини.

Абу Бакр ал-Хоразмийнинг ушбу мисралари ўша давр адабиётида кўп қўлланилган замондан шикоят қилиш усулида ёзилган бўлиб, бунда шоир замона зайли инсонни ҳар кўйга солиши мумкинлиги ҳақида сўз юритмоқда.

Ас-Саолибий яна ўзининг “Ғураф ал-балоға”, “Фикҳ ал-луға”, “ал-Муҳазарат”, “ал-Мунтахаб”, “Лутф ва-л-латоиф”, “Иъжаз ва-л-ийжоз” китобларида Абу Бакр ал-Хоразмий асарларидан намуналар берган.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, Абу Бакр ал-Хоразмийнинг ҳаёт йўли, адабий ва илмий меросини ўзбек адабиётшунослиги, шарқшунослиги нуқтаи назаридан ўрганиш адабиётимиз тарихини янги маълумотлар билан бойитиб, миллий маънавий меросимизга муносиб ҳисса бўлиб қўшилиши тайин. Шунингдек, ўрта асрларнинг машҳур олими Абу Мансур ас-Саолибий тазкиралари Абу Бакр ал-Хоразмий, ал-Матроний, аш-Шоший ал-Омирий, ал-Лаҳҳом ал-Ҳарроний каби ўнлаб мовароуннаҳрлик арабийзабон адиблар ҳаёти ва илмий меросини ўрганишда жуда қимматли манба бўлгани боис уларни чуқур тадқиқ этиш ўзбек шарқшунослиги ва адабиётшунослиги учун янги муҳим илмий янгиликларни тақдим этиши шубҳасиздир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абу Мансур ас-Саолибий. Йатимат ад-даҳр. Тадқиқ қилувчи, таржимон, изоҳ ва кўрсаткичларни тузувчи И.Абдуллаев. Тошкент. “Фан”, 1976.

2. Абу Мансур ас-Саолибий. Канз ал-кутуб. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида 1848 - II инвентарь рақами остида сақланаётган 1727 йилда номаълум ҳаттот томонидан кўчирилган қўлёзма.

3. И.Абдуллаев. Абу Мансур ас-Саолибий. Т.: “Ўзбекистон”, 1992.
4. Маънавият юлдузлари. Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти.Т. 2011.